

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


Адабиётшунослик

- 37. Po'latova Sevara Mahmud qizi**
HOZIRGI O'ZBEK ADABIY ME'YORIDAGI LAKUNALAR
(VOBKENT TUMANI MISOLIDA).....6
- 38. Давронова Махфуза Исроиловна**
МАВЗУ ВА МАЗМУНДА МУШТАРАКЛИК.....11
- 39. Давронова Шохсанам Ғайбуллоевна**
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК
РОМАНЧИЛИГИ.....18
- 40. Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna**
IBRONIM G'AFUROV – SHE'RSHUNOS.....26
- 41. Мусурманов Эркин Раббимович**
O'ZBEKISTON HUDUDIDAN XITTOYGA YOYILGAN
BUDDAVIYLIK G'OYASI VA MIFOLOGIYA.....34
- 42. Рузобаева Нигорахон Рахимовна**
ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНТИТЕЗЫ В УЗБЕКСКИХ
И АНГЛИЙСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ.....40
- 43. Тўмарис Бутунбаева**
АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО
ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР.....47
- 44. Хажиева Феруза Мэлсовна**
ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИДА БИОГРАФИК РОМАН КОНЦЕПЦИЯСИ.....51
- 45. Zoyirova Go'zal Nematovna**
SAMANDAR VOHIDOVNING EPIGRAF QO'LLASH MAHORATI.....60
- 46. Охунова Гўзалхон Ҳамдамбековна**
ҲИКОЯ ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....67
- Тилшунослик**
- 47. Bekmurodova Firuzabonu Normurodovna**
SPECIFIC FEATURES OF CEREMONIES AND THEIR LINGUAPRAGMATIC
MEANING IN UZBEK CULTURE (AS AN EXAMPLE OF WEDDING CEREMONIES).....73
- 48. Каримов Рустам Абдурасулович**
ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСИ МАТНЛАРИНИ
ЛИНГВИСТИК ТЕГЛАШ МУАММОЛАРИ.....81
- 49. Қурбанов Мухтар Даулетбаевич**
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИТООЙКОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....87

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Хажиева Феруза Мэлсовна,
Бухоро давлат университети, Инглиз адабиёти
ва стилистика кафедраси доценти
e-mail: feruzakhajieva@gmail.com

ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИДА БИОГРАФИК РОМАН КОНЦЕПЦИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-44>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий америка ёзувчиси Жей Парини ижоди хронологик ўрганилган. Ижодкорнинг биографик роман назариясига оид қарашлари, тарихий роман ва биографик роман, тарих ва биографик роман орасидаги тафовутлар, биографик романнынг юксак маънавий ғояларга асосланиши, замонавий биографик романда постмодернистик хусусиятларнинг намоён бўлиши каби масалар илмий жиҳатдан ёритилган. Мақолада, шунингдек, Жей Парини яратмалари соф бадиий романлар, биографик романлар, биографиялар, шеърий асарларга таснифланиб, адиб ижодидаги ёрқин намуналар – унинг биографик романлари сюжети талқини берилган. Булар буюк рус ёзувчи Лев Николаевич Толстой, америка ёзувчиси Ҳерман Мелвилл, яҳудий файласуф олим Вальтер Беньямин ҳамда насроний динида машҳур теолог Авлие Паул тўғрисида бўлиб, уларда Жей Парини ноанъанавий нарратологик техникадан фойдаланилганлиги, асарлар полифоник дискурда баён этганлиги билан ажралиб туриши асосланган. Жей Парини асарларининг ўзига хос услуби, уларда биографик маълумотлар бадиий тилда, роман жанрида кўп овозли баён техникасида ифодаланганлиги илмий асосланган.

Таянч сўзлар: бадиий роман, биографик роман, биография, шеърий асарлар, полифоник тафаккур, постмодернизм, сюжет.

Хажиева Феруза Мэлсовна,
Бухарский государственный университет,
доцент кафедры английской литературы и стилистики
e-mail: feruzakhajieva@gmail.com

КОНЦЕПЦИЯ БИОГРАФИЧЕСКОГО РОМАНА В ТВОРЧЕСТВЕ ДЖЕЯ ПАРИНИ

АННОТАЦИЯ

В статье хронологически исследуется творчество современного американского писателя Джея Парини. Научно освещены такие проблемы как, авторская концепция относительно теории биографического романа, отличия исторического романа от биографического романа, истории и биографического романа; строение биографического романа на высоких духовных идеях, проявление постмодернистских черт в современном биографическом романе. Также, в статье классифицируются произведения Джея Парини и

разделены на такие жанровые формы как: художественные романы, биографические романы, биографии, стихотворные произведения. Дается интерпретация сюжетов его биографических романов - ярчайших образцов творчества писателя. В работе исследуются романы о великом русском писателе Льве Николаевиче Толстом, американском писателе Германе Мелвилле, а также о еврейском философе Вальтере Беньямине, христианском теологе Святом Пауле, в которых Джей Парини использует нетрадиционные виды повествовательных приемов в полифоническом дискурсе. Научно обоснован уникальный стиль произведений Джея Парини, в котором биографические сведения выражаются литературным языком, в жанре романа, в технике полифонического повествования.

Ключевые слова: художественный роман, биографический роман, стихотворные произведения, полифоническое мышление, постмодернизм, сюжет.

Khajieva Feruza Melsova,

Bukhara State University, Docent of the English
literature and stylistics department
e-mail: feruzakhajieva@gmail.com

THE CONCEPT OF A BIOGRAPHIC NOVEL IN THE LITERARY ACTIVITY OF JAY PARINI

ANNOTATION

The article chronologically examines the work of the contemporary American writer Jay Parini. Scientifically highlighted such problems as the author's concept regarding the theory of a biographical novel, the difference between a historical novel and a biographical novel, history and biographical novel; the structure of a biographical novel interpreting high spiritual ideas, the manifestation of postmodern features in a modern biographical novel. Also, the article classifies the works of Jay Parini, which are grouped into such genres as: belles-lettres novels, biographical novels, biographies, poetry. An interpretations of the plots of his biographical novels - the brightest examples of the writer's work are given. The work examines novels about the great Russian writer Leo Nikolaevich Tolstoy and American writer Herman Melville, as well as about the Jewish philosopher Walter Benjamin and Christian theologian Saint Paul, in which Jay Parini uses non-traditional types of narrative techniques in polyphonic discourse. The unique style of Jay Parini's works is scientifically substantiated, in which biographical information is expressed in literary language, in the genre of a novel, in the technique of polyphonic narration.

Key words: belles-lettres novel, biographical novel, poetry, polyphonic thinking, postmodernism, plot.

Бугунги кун жадал ривожланиб бораётган жаҳон адабиётшунослигида биографик жанрдаги асарлар машҳурлашиб, замон талаблари, китобхоннинг фактларга асосланган бадиий прозага кучли қизиқиши, реал инсон образининг асар марказига қўйилиб, у яшаган давр билан алоқадор воқеаларнинг бадиийлаштирилган услубда яратилиши, адабиёт билан биотарихнинг синтезлашуви ҳодисаси кузатилмоқда.

Адабий жараённинг йирик бир занжири бўлиб, таркибий қисми ҳисобланадиган Америка адабиётида ҳам бадиий асарларни “биофикциялаштириш” тенденцияси ривожланиб, янги техника ва услубда яратилган қатор асарлар чоп этилмоқда.

Бундай ҳодиса, ўз навбатида, соҳада кўплаб янги изланишларга замин бўлиб, асарлардаги макро мавзувий-ғоявий ўзига хосликлардан тортиб, асар тилидаги микро стилистик таҳлил-тадқиқотларга асос бўлмоқда.

Замонавий биофикция услубида ижод қилиб, ўзининг қатор асарлари билан Америка ва жаҳон бадиий биографияси хазинасини бойитиб бораётган Жей Паринининг ижоди серкирралиги билан ажралиб туради. Романнавис, шоир, мунаққид ва академик Жей Парининг биографик маълумотлари унинг ҳам олим, ҳам ижодкор қаторига киришини кўрсатади. Жей Парини 1948 йилда АҚШнинг Пенсильвания штатида жойлашган Питтстон

шаҳрида туғилган. 1970 йилда Лафайет коллежини битирган, 1975 йилда Шотландиянинг машҳур Сейнт Эндрюз университетиди докторлик даражасини олган. Олим – Жей Парини 1975-1982 йиллар оралиғида Дартмаус коллежида, 1982 йилдан бошлаб Мидлбери коллежида инглиз тили ва бадиий ижод фанларидан дарс бериб профессор лавозимида ишлаб келган. Адиб 1993 йилда санъат ва адабиёт соҳасида иқтидори билан ажралиб турадиган, АҚШ ва Канада фуқаролари учун таъсис этилган Гутгенхейм стипендияси совриндори бўлган. 1993-1994 йилларда Оксфордда таъсис этилган иқтидорли ижодкорлар ва олимларга бериладиган Фовле Ҳамилтон стипендианти бўлган. 2005-2006 йилларда Лондон университети қошидаги илмий тадқиқот институти ходими сифатида фаолият кўрсатган. Жей Парини дунёнинг бир қанча университет ва коллежларида тан олинган олимлар қаторидан ўрин олган.

Ёзувчи – Жей Парини ижодига назар соладиган бўлсак, адиб қатор шеърий, биографик ва тарихий асарлари билан оммага танилган. Унинг бир қанча асарлари ўттиздан ортиқ тилларга таржима қилинган, биографик романлари сюжети асосида бадиий ва хужжатли фильмлар суратга олинган. Унинг яратмаларини соф бадиий романлар, биографик романлар, биографиялар, шеърий асарларга таснифлаш мумкин. Жей Парини қатор антология ва энциклопедияларга муҳаррирлик қилган. Шунингдек, у бадиий- танқидий асарлар ва эсселар муаллифи бўлиб ҳисобланади.

Жей Паринининг **соф бадиий романлари** “The Love Run” (“Сўнган муҳаббат”) (1980), “The Patch Boys” (“Қизиқчи болақайлар”) (1986), “Bay of Arrows” (“Найзалар кўрфази”) (1992), “The Apprentice Lover” (“Шогирдга хайрихоҳ”) (2002), бўлса, **биографик романлари** куйидагилардан иборат. Буюк рус ёзувчиси ва мутафаккири Лев Толстойга бағишланган “The Last Station” (“Сўнгги бекат”) (1990), яҳудий файласуф ва мунаққид Вальтер Бенъямин тўғрисидаги “Benjamin’s Crossing” (“Бенъямин йўли”) (1997), буюк америка ёзувчиси Ҳерман Мелвилл ҳақидаги “The Passages of H.M.” (“Ҳерман Мелвилл саргузаштлари”) (2011), Авлие ва руҳоний Паул ҳақидаги “The Damascus Road: A Novel of Saint Paul” (Дамашқ йўли: Авлиё Паул тўғрисидаги роман”) (2019) бўлиб ҳисобланади.

Адиб томонидан яратилган **биографиялар** қаторига америка ёзувчиси Жон Стейнбек тўғрисидаги “John Steinbeck: A biography” (“Жон Стейнбек: Биография”) (1996), америкалик шоир Роберт Фрост тўғрисидаги “Robert Frost: A Life” (“Роберт Фрост Хаёти”) (2000), америка ёзувчиси Вильям Фолкнерга бағишланган “One Matchless Time: A Life of William Faulkner” (“Беназир давр: Вильям Фолкнер хаёти”) (2005), Исо пайғамбар тўғрисидаги “Jesus: The Human Face of God” (“Исо: Инсон қиёфасидаги Худо”) (2013), америкалик ёзувчи ва драматург Гор Видал ҳақидаги “Empire of Self: A Life of Gore Vidal” (2015), аргентиналик ёзувчи Хорхе Луис Борхес тўғрисидаги “Borges and Me: An Encounter” (“Борхес ва мен: Учрашув”) (2020) – мемуар асар – кабилар қиради.

Жей Паринининг **шеърий асарлари** ҳам нашрдан чиқиб, омма томонидан ижобий қабул қилинган. “Singing in Time” (“Давр кўшиғи”) (1972), “Anthracite Country” (“Антрацит мамлакати”) (1982), “Town Life” (“Шаҳар хаёти”) (1988), “House of Days” (“Кунлар хонадони”) (1998), “The Art of Subtraction: New and Selected Poems” (Бегоналашиш санъати: Янги ва танланган шеърлар) (2005), “New and Collected Poems 1975 – 2015” (Янги ва танланган шеърлар 1975-2015) (2016) каби шеърий тўпламлари чоп этилган.

Хронологик таҳлили ва кузатишлардан кўриниб турибдики, Жей Парини бугунги кунда ҳам ижод этишдан тўхтамаган, турли жанрларда асарлар яратиб келаётган ижодкорлар қаторига қиради. Унинг ўзига хос ижод услуби турли олимлар томонидан эътироф этилган. Бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари Миннесота университетида америка адабиётида биофикция соҳасида кенг миқёсли тадқиқот олиб бораётган Майкл Леки адиб ижодига куйидагича баҳо беради. “Within an American context, Parini has probably done more to advance the contemporary biographical novel than any other scholar or writer. Parini has published poetry, biographies, novels, cultural criticism, scholarly essays, and, most importantly, biographical novels.”[1, 20-21] (Таржимаси: “Америка контексти миқёсида, Парини замонавий биографик роман жанрини олдинга суриш учун, ҳар қандай бошқа олим еки

ёзувчи амалга оширган ишдан кўра кўпроғини амалга оширган. Парини шеърий асарлар, биографиялар, романлар, маданий танқидчилик, илмий эсселар нашр эттирган бўлсада, унинг энг муҳим асарлари биографик романларидир)”, – дея Майкл Лэки Парини яратган биографик романларига юксак баҳо беради.

Майкл Лэки тадқиқотлари натижасида қатор биографик роман жанрида ижод олиб бораётган ёзувчилар билан суҳбатларни ўзининг соҳадаги долзарб китоби[2]ни ҳам яратган. Ушбу асарда замонавий америка адабиётида ижод қилиб келаётган ўн олти нафар ёзувчилар билан суҳбатлар ёритилган. Асарнинг қиймати шундан иборатки, унда реалистик, модерн, постмодерн каби оқимлар услубида яратилаётган биографик романларнинг яратилиш тарихи, мавзу ва ғоялар кўлами, тарихий ва биографик асарлар орасидаги фарқ, биографик роман табиати, асарларни яратиш жараёнида ижодий эркинлик ва фактографик тобеълик, тадқиқот ва изланишлар натижасида биографик романнинг яратилиши каби масалалар аутентик суҳбатлар жараёнида ўз ечимини топган. Модернистик, постмодернистик услубда ижод қилиб келаётган қатор ёзувчилар биографик роман жанрига оид қарашларини, бундай асарларнинг оммалаштириш омилларини, тарихий прототип ва асардаги қахрамон ҳаёти ва ижоди концепциясини ўрганишга қаратилган масалалар тўғрисида ўз тажрибаларидан келиб чиқиб фикр-мулоҳазалар билдиришган.

Китобда Жей Парини билан суҳбат ҳам ёритилган бўлиб, унда ёзувчининг жанрга оид концепцияси ўз аксини топган. Қуйидаги тўрт банддан иборат кузатишлар натижасида ижодкорнинг бу соҳадаги фикр-мулоҳазаларини келтириш мумкин.

1. Жей Парини биографик роман ва тарихий романни бир-биридан фарқлаб, тўқима образларлар ёрдамида умумий панорамани баён этувчи, тарихий асарларни учинчи даражали, арзон романлар (dime store novels) каторига киритади. Биографик романларни эса, ҳақиқий тарихий шахс ёки шахслар атрофида қурилгани, улардаги характерлар фактларга асосланган даврни ёритиб бергани, тарихнинг қоронғу бурчакларига ёруғлик киритгани учун биографик асарларни бошқача – юқорироқ деб баҳолайди [2, 206]. Парини тарихий романни биографик асарларнинг генетик асоси деб ҳисоблайди. Тарихий фон биографик романда хронотоп вазифасида келишига ишора қилади.

2. Жей Парини биографик роман ва тарих орасидаги тафовутни ёритар экан, ўтмишни “ҳалокатдан сўнг оёқлар остида ўралашадиган уйум”га ўхшатади. “Мана шу ҳалокатдан сўнг бизнинг вазифамиз “ҳақиқат” категориясига мос келадиган бирор нарсани қидириб топишдан иборат, – деб айтади, – Аниқки, биографик роман навис профессионал тарихчидек ҳақиқатни қазиб чиқаришга уринмайди, шундай бўлсада, биз ҳам кўп ҳолларда улар каби ҳужжатлар, интервью ва бошқа материаллар билан иш кўрамыз. Шунга қарамадан, биз ҳақиқатни тасаввур этишга уринамыз.” [2, 206] Жей Паринининг бу қарашини остида, биографик роман яратишда биограф тасаввури ҳам катта роль ўйнайди ҳулосага келиш мумкин. Чунки биограф ҳақиқатда нима содир бўлганлиги, еки содир бўлган бўлиши мумкинлигини айрим ҳолларда ижодий тасаввурга таяниб, “ҳақиқат”ни қайта яратишга уриниши, ҳужжатлар еки кундаликларда ёзиб қолдирилган маълумотларнинг тағмаъносини, импликациясини реципиентга етказиши керак бўлади. Биограф тасаввуридаги, талқинидаги ҳақиқат орқали бадиий образ ҳаётидаги майда деталларини, воқеаларни қайта яратиш имконини беради.

3. Жей Паринининг биографик романга оид концепциясида ўрин олган кейинги қараш бу – биографик асарларда маънавий ва диний қарашлар тарихий ҳақиқат билан ҳамоҳанг тарзда акс эттирилиши керак деган фикр туради. Адибнинг фикрича, агар қуруқ фактлар маънавиятга асосланган бўлса, уларда мазмун-моҳият пайдо бўлади, тарих саҳифалари ойдинлашади. Парини таъкидлашича, “тарихчилар ҳақиқатни фақатгина фактларга боғлаб, унинг моҳиятини тушириб юборадилар, ваҳоланки, маънавий, диний ҳақиқат бугунги кунда барҳаёт, инсонларнинг маънавияга мойиллигини кунлик ҳаётда кўриш қийин эмас.”[2, 210] Дарҳақиқат, биографик романда, худди бошқа бадиий шаклда кузатилгани каби маънавий қарашлар жуда юқори ўринда бўлиб, асарлар негизини, ядросини ташкил этувчи куч бўлиб ҳисобланади. Чунки тарихий шахсни юксаклиги унинг маънавий,

диний оламининг оддий оммага таъсири бўлганлигида намоён бўлади. Аслида, маънавий ҳақиқат прототип буюклигига омил бўлган.

4. Жей Парини замонавий америка адабиётида постмодернизм хусусиятлари тўғрисида тўхталар экан, биографик роман ва постмодернизм назарияси бир бирига чамбарчас боғлиқ деб айтади. Улардаги боғлиқлик ҳақиқатни қайта яратишга қаратилганлигида, деб таъкидлайди. Парини нуктаи назарига кўра ҳақиқатга қайси ракурстан қарасангиз ўша жиҳати билан ҳақиқат бўлиб қолади. Агар сиз бир масалага диний нуктаи назардан қарасангиз ўша томонлама ҳақиқатни кўра оласиз, дунёвий нуктаи назардан нигоҳ солсангиз дунёвий жиҳатдан ҳақиқатга айланади. Паринининг фикрича, инсон қайси кўз билан қараса, ўшани кўра олади. Метафорик тилда ушбу фикр “камерага бириктирилган линзага ўхшайди, – деб айтади, – қандай ранг ва қайси предметга камеранинг линзаси қаратилган бўлса, ўша нуктаи назарни реципиент кўришга интилади”[2, 207-215]. Демак, Парини бугунги кун америка адабиётида биографик роман жанрига хос жиҳат бу – унинг фикр ва ғояларнинг қандай қабул қилинишида, деган фикрни илгари суради. Ёзувчи ҳар бир инсон ўз тафаккуридан келиб чиқиб, биографик асарда кўйилган масалани қабул қилади ва унга ўз муносабатини ифодалайди, деган мушоҳада юритади. Дарҳақиқат, постмодернизмга хос бу жиҳат асарларда кўпфикрлик ва рангба-ранг мавзуларни, турли структур бирликларни яратилишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида тадқиқ этилган Жей Паринининг биографик роман жанрига оид концепциянинг умумий жиҳати сифатида шуни айтиш мумкинки, ижодкор замонавий америка адабиётида биографик роман фактлар асосида қурилган бадиий ижод намунаси экан. Романларда бадиий тўқима ва маънавий дунёқараш турли усулда китобхонга етказилиши мумкин, улардаги мавзу, ғоя, маънавий информация китобхон талқинига боғлиқ экан. Муаллиф монологик дунёқарашни четга суриб, полифоник тафаккур орқали турли фикрлар жамланмасини реципиент ҳукмига ҳавола қилиши бугунги кун романнавислиги моҳиятини ташкил қилар экан.

Америка адабиёти намояндаси, биографик роман жанрида ижод этиб келаётган Жей Паринининг адабий оламининг тажрихий таҳлили, ижодкорнинг биографик роман жанрига оид назарий қарашларини ўрганиш натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, ёзувчи яратган кўпгина биографик жанрга мансуб. Уларнинг юксак бадиий маҳорати, услубий ўзига хослиги, тарихий ва бадиий тўқиманинг ҳамоханг мувозанатда синтезлашуви ҳодисаси ушбу асарларнинг замонавий америка адабиётидан мустаҳкам ўрин олиб бораётганини кўрсатади. Парини ижодида ёрқин намуналар – унинг биографик романларидир. Булар буюк ёзувчи Лев Николаевич Толстой ҳамда Ҳерман Мелвилл, шунингдек, файласуф олим Вальтер Беньямин, Авлие Паул тўғрисида бўлиб, уларда Жей Парини ноанъанавий нарратологик техникадан фойдаланиб, полифоник дискурса баён этганлиги билан ажралиб туради.

Жей Паринининг “The Last Station”, “Benjamin’s Crossing”, “The Passages of H.M.”, “The Damascus Road: A Novel of Saint Paul” каби асарлари сюжети ва уларда ёритилган мавзунини кузатадиган бўлсак, асарларда америка адабиётига хос демократик дунёқараш, танқидий фикрлаш, шахс эркинлиги, ғарбга хос менталитет ва прагматика, ошқора дунёқараш каби хусусиятларни яққол кузатиш мумкин. Асарларда мавзулар ва нуктаи назарлар кўлами кенг ҳамда ҳар бир персонаж ўзига хос олам эгаси эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ёзувчининг 1990 йилда чоп эттирган буюк рус ёзувчиси Лев Толстойга бағишланган “The Last Station” (“Сўнгги бекат”) дастлабки биографик романи сюжет изчиллиги, ноанъанавий баён услуби, персонажлар серкирра табиатидаги чизгилар бойлиги билан ўзига хос бўлиб, ажралиб туради.

Унда Толстой ҳаётининг сўнгги йили бадиийлаштирилган бўлиб, асрда саккиз персонаж ўз нуктаи назарида Лев Николаевич ҳаёти билан боғлиқ воқеалар баён этилган.

Асар сюжетига эътибор қаратадиган бўлсак, у ретроспекция ва қисқа эпизодлардан хаотик ташкил топган ўгимчак тўрға ўхшайди. Романда ҳар бир қахрамон Толстой билан боғлиқ воқеани баён этади. Структур жиҳатдан таҳлил қилинадиган бўлса, асарда етти

хикоячи ўз хикоясини қирқ икки бобда гапириб берган. Асарда қўлланилган бундай баён ҳақида муаллиф куйидагича изоҳ беради. “Аналогик жиҳатдан олиб қараганда ушбу техника кубизм ғояларига ўхшаб кетади. Пикассо кубизмни предмет атрофидаги рақсга ўхшатган. Объект ким бўлишига қарамасдан, Толстойми, Вальтер Беньяминми, Ҳерман Мелвиллми, мен кўплаб овозларни ўша объект атрофида кўллаб, ҳақиқатни рўёбга чиқаришга, агар “чуқурликлар” (номаълум, унутилган лаҳзалар – Ф.Х.) бўлса уларни тўлдириш учун ҳақиқатни яратига ҳаракат қиламан”.

Жей Парини асарни ҳаётининг сўнгги ойларида Толстойнинг котиби вазифасини бажарган Валентин Булгаковнинг кундалигидан илҳомланиб ёзган ва иложи борида Парини тўғридан-тўғри котиб ёзувларидан иқтибос келтирган. Шунингдек, Лев Толстой ҳақидаги ёзма манбалардан, унинг рафиқаси ва болалари билан суҳбатлари, дўстлари ва шоғирдлари қолдирган тавсифлардан ҳам ўринли фойдаланган.

Толстойнинг сўнгги кунлари “хайқириқли” тугадини баён этувчи романда Софья Андреевна ва Толстой издошлари ўртасидаги васиятнома устидаги кескин кураш, ўн уч фарзанди ва камтарона ҳаёт тарзини юритувчи издошлари орасида катта бойлигини қолдириш дилеммасидан қийналатган ёзувчи яшаб юрган уйини драматик тарқ этиши, кичик станцияда касалликдан вафот этиши, юзлаб муҳбирлар унинг ўлимини хабарларда акс эттириш учун тўпланишганларини ва Толстой оиласида қайғули кунларнинг ўтиши каби воқеалар силсиласи тасвирланган.

Парини қаламига мансуб “Benjamin’s Crossing” (“Беньямин йўли”) биографик роман XX Европа дунесида таниқли зиёлилар қаторига кирган яҳудий илдизларга эга немис танқидчи ва файласуфи Вальтер Беньямин ҳаётини бадиий тасвирловчи асар. Жей Парини Вальтер Беньямин ҳаётининг сўнгги даҳшатга тўла, трагик ойлари асар сатрларида кузатиб боради. Парини асарда 1940 йилда фашистлар босқини пайтида Вальтер Беньяминнинг холокостдан (холокост – фашистлар Германияси мавжуд бўлган даврда фашистлар томонидан турли хил этник ва ижтимоий гуруҳлар вакилларининг таъқиб қилиниши ва оммавий қирғин қилиниши) Париждан Периней тоғ тизмалари орқали Испанияга қочиши ҳиссиётга тўла лирик ғоялар билан суғорилган, трагикомик ҳатти-ҳаракатларга бой сюжет орқали баён этилган. Шунингдек, асарда холокостнинг энг таъсирчан периферик эпизодларидан бири – сахналаштирадиган севги хикояси ҳам ўрин олган. Асар сарлавҳаси тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, “Benjamin’s Crossing” калька таржима қилинганда “Беньяминнинг кесиб ўтиши”, яъни “буюк тоғ тизмаларидан ўтиб олиши” деган маънода ишлатилган, шу сабабли муаллиф асар сюжети ва сарлавҳада боғлиқлик борлигини таъкидлайди, “бирок аслида асар номи символик ибора бўлиб, қаҳрамонининг худбин, ўзига ишонган шахсдан бошқаларни қутқариш мақсадида ўзини қурбон қилган инсон трансфигурацияси, трансформациясини англатади.” Дарҳақиқат, асарни ўқиган киши Вальтер Беньямин ички дунеси, психологиясидаги нарцисстик хусусиятларни ўз оиласидан узоқроқ бўлиш учун уларни Англияга узатишида, солипсистик (фалсафий концепция, унга кўра инсон фақат ўз онгини мавжуд бўлган ягона ҳақиқат деб тан олади) хусусиятларни йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида кутубхонада яқка ижод қилишида намоён бўлганлигини кузатиши мумкин. Бирок холокостдан қочиш жараёнида у ўзининг бу салбий хусусиятлардан ҳам қочиб, юраги хасталиги сабаб оиласи ва дўстларига юк бўлмаслик учун қурбон қилади. Кўриниб турибдики, Жей Парини қаламига мансуб бу асарда инсон психикасидаги туб бурилишлар кўрсатилган, қаҳрамони таниқли файласуф бўлишига қарамасдан, салбий жиҳатлари баробарида унда оддий инсонга хос фазилатлар асардаги драматик зиддиятлар негизидан шаклланиб, кескин бурилишлар содир бўлиши натижасида буюк қалб эгасига айланганини кўрсатишга эришган.

Парини ижодидан ўрин олган кейинги бадиий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос “The Passages of H.M.” биографик романида америка ёзувчиси Ҳерман Мелвилл саргузаштлари тасвирланган.

Асар Ҳерман Мелвилл рафиқаси Лиззи номидан баён этилади. Ёзувчи Жей Парини Лиззи – узоқ вақтдан бери қийналиб, ҳаёт азобларига чидаб келаётган аёл – нуқтаи назарида

қариган, ғазабланган ва ичкилика берилган Ҳерман Мелвиллни бахтсиз Нью-Йоркдаги уйида жанжал ва бузғунчиликларга сабаб бўлаётган шахс сифатида тасвирлайди. Бахтсиз аёлга турмуш ўртоғи Мелвиллнинг ўнлаб йиллар олдин Тайпи ва Омоо ороллариға саёҳати аллақачон ўтиб кетган эртақдек туюлар эди. (Мелвиллнинг “Typee: or A Peep at Polynesian Life” (1846), *Omoa: A Narrative of Advantures in the South seas* (1847) асарлари назарда тутилган. Чунки бу асарлар Мелвилл саргузаштларига асосланган бўлиб ҳисобланади.[5]) Энди Ҳерман Мелвиллнинг буюк асари “Моби Дик” танқид остига олинган, ўқувчилар ҳам уни ўқимамай кўйишган эди. Шу сабабли Мелвилл кунларини Нью-Йорк доқларини боқхона инспектори сифатида томоша қилиш ва узининг бахтсиз адабий тақдирини ўйлаш билан ўтказар эди. Аммо Мелвилл Наполеон даври урушлари даврида жасорат кўрсатган мафтункор бир йишит саргузаштлари ҳақидаги янги буюк асар ғоясига берилган эди. Дарҳақиқат, Мелвилл биографиясида ушбу асар тўғрисида маълумот берилган. Бу Мелвилл тугаллашга улгурмаган “Billy Budd, Sailor” (“Билли Бад, денгизчи”) асари.

Асарда Лиззи баёни ва нуқтаи назаридан ташқари учинчи шахсда Мелвилл қизгин ҳаётини тасвирлаган ҳикоячини ҳам кузатиш мумкин. Учинчи шахсда баён этилган воқеалар силсиласига Ҳерман Мелвиллнинг жўшқин денгиз саёҳатлари, камбағаллашиб бораётган еш аристократнинг савдогар кемасидаги саргузаштлари, ёзувчининг Маркес оролларида канибаллар билан яшаши, романнавис сифатида танилиши, тақдир тақозоси билан бошқа америка ёзувчиси Натаниель Ҳосорнни учрашиши ва бир умрга дўслашиши, жисмоний таназзули ва адабий оламда унутулиши кабилар киради. Жей Парини бир вақтнинг ўзида дилкаш ва ақлдан озган, коинотнинг улкан кучлари билан ҳамоҳанг ва умидсиз, қайсар ва паришонхотир Мелвиллни яратади.

Кўриниб турибдики, асарда илгари сурилган ғоя ва фикрлар китобхонни шубҳасиз ўзига жалб қилади ва сюжетдаги маълумотлар маълум биографик фактларга асосланган. Парини адабиёт титанининг онги ва руҳига кириб боради, бадий адабиёт манбаларидан фойдаланиб, улкан одамни инсонпарвар қилади ва унинг тенгсиз ижод манбаларини ёритади.

Парини қаламига мансуб сўнгги “The Damascus Road: A Novel of Saint Paul” биографик роман диний мавзуда бўлиб, унда замонавий Туркиянинг Тарсус (қадимги Киликия) шаҳрида туғилган Апостол (Ҳаворий) Паул ҳаёти ва насроний қарашлари ўз бадий ифодасини топган. Асардаги воқеалар силсиласи қуйидагича “ипга тортилган”. Дастлаб Исо Масих таълимотини тарғиб қилганларга қарши курашиб, уларни таъқиб қилиб борган Паул Дамашқ йўлида илоҳий ваҳийдан кўзлари кўр бўлиб қолгач, ўзи ҳам Исонинг таълимотиға ишониб, эътиқод қилишни бошлайди. Ундан ҳам ортиқ, Паулнинг ўзи Исонинг эътиқодини тарқиб қилишни яҳудийларга ҳам, яҳудий бўлмаганларга ҳам ваъз қилар, унинг таълимотиға қизиққан ҳар бир кишиға нон синдириб бериб, тақдирлар эди. Лука уларнинг сафари ҳақида ёзиб боради. Романда тарихий муҳит жонли тасвирланган бўлиб, унда қадимги шаҳарларнинг гўзал манзаралари жонли ва ҳаққоний чизгиларда тилға олинган. Бадий хронотоп муаллиф томонидан маҳорат билан яратилган. Қаҳрамоннинг ҳам географик, ҳам маънавий саёҳатлари ҳақида гап кетганда, муаллиф эпохал ўзгариш арафасида қадимги дунёнинг ёрқин панорамасини очиб беради.

“Романда тасвирланган Паул ва Лука бир-бириға ўта содиқ, улар Исо пайғамбар ўғитлари сабаб бутунлай ўзгарган инсонлар. Бироқ, асарда тарихий воқеалар талқини ва Паулнинг (тараихий прототип – Ф.Х.) қарашлари ҳаётдагидан бироз фарқ қилади. Шундай бўлсада, асарда Исоға иймон келтириш жараенининг қўп қиррали тадқиқи батафсил баён этилган. Паул ўқимишли, ва унинг қадимги файласуфлар таълимотини ўз таълимотиға боғлаб баён этиши китобхон диққатини торта олади.” [6] – деб ёзади Ж. Линн Элс роман ҳақида.

Шундай қилиб, “Дамашқ йўли” биографик асарида баҳс-мунозараларға тўла шахснинг саёҳатлари тасвирланган бўлиб, Апостол Паулнинг ҳаётидаги зафарлари, қийинчиликлари ва у билан содир бўлган хавфли воқеалар эрамизнинг дастлабки даври хронотоп қилиб танланган асарда баён қилинган.

Жей Парини қаламига мансуб биографик романлар тадқиқи шуни кўрсатадики, ёзувчи асарларда тарихий ҳақиқатни бадиий акс эттириш жараёнида кўпроқ тарихий фигуранинг шахсиятига, дунёқараши ва ички рухий оламига урғу берган. Асарларда асосан полифоник тафаккур доминантлик қилиб, муаллиф ҳар бир персонаж нуқтаи назарини бош қаҳрамонга, воқеага йўналтириб, уларни ўз позициясидан туриб баҳо бера оладиган характерлар эгаси этиб шакллантирган. Асарда танланган ҳар қандай мавзу ва ғоя марказий қаҳрамонни ёритишга кўмаклашган. Албатта, ҳар бир биографик романда кузатиладигани каби, Парини асарларида тарихий прототип ҳаёт йўли (тўлик/қисман) сюжет чизиғини ташкил қилган. Биографик асарларда сюжет чизиғи мумтоз адабиётда кузатилгани каби бир текисда ривожланмаган, балки хаотик, ретроспекция ва ички психологик кечинмалар билан бойитилган эпизодлар ва матнлар қоришмасидан ташкил топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Lackey M. *The American Biographical Novel*. Bloomsbury. – New York, 2016. P. 20-21
2. Lackey M. *Truthful Conversations with American Biographical Novelists*. Bloomsbury. – New York, 2014. – 207-208 p.
3. Хажиева Ф.М. Америка ёзувчиси Жей Паринининг “The Last Station” (“Сўнгги бекат”) биографик романи лейтмотивини шакллантиришда полифоник тафаккурнинг вазифаси. // УзМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали, 2020, – №6 – Б. 192-197
4. Хажиева Ф.М. The manifestation and the function of epistolary technique in the biographical novel “The Last Station” by Jay Parini. // Проблемы и достижения современной науки. Материалы VI международной научно-практической конференции. Уфа. 2019, С. 71-73. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38540295>
5. Миргиязова М. М. (2017). Innovative technologies in teaching English. Молодой ученый, (25), 301-302.
6. Миргиязова, М. М. (2018). Использование информационных технологий в процессе оценки юридической терминологии Молодой ученый, (21), 481-483.
7. Миргиязова, М. М. (2018). The importance of teaching legal English. Молодой ученый, (32), 94-95.
8. Yusupov O.N. Cognitive semantics in context. *Wschodnioeuropejskie Czasopismo Naukowe* 7 (2), 84-87.
9. Юсупов О.Н. Ўзбек адабиётининг инглиз тилидаги таржималарининг лингвокогнитив тадқиқи. Сўз санъати халқаро журнали. 3 сон, 3 жилд. Б.102-105.
10. Юсупов О.Н. Анализ проблемы стиля в художественном переводе. *The Way of Science*, 94. 2014.
11. Юсупов О.Н. Специфика художественного перевода. *Наука и Мир* 2 (3), 170 - 172. 2014.
12. Mirzaakhmedova M.Yu. Approaches to science and education in the east and in the west. *International journal of science and research (ISSN 2319-7067)*.
13. Zoyirova, D.A. (2018). Forming Discursive Competence of Law Students. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
14. Zoyirova D.A. (2019). Effective teaching of the English language based on the communicative-cumulative method in the process of education using modern technologies. Сўз санъати халқаро журнали, 1(5).
15. Zoyirova D.A. (2019). features of translation from English to Russian. *Экономика и социум*, (10), 71-73.
16. Yuldashevna, M. M., & Abdijalilovna, Z. D. (2019). The impact of the East in Shakespeare's tragedies. *Journal of Critical Reviews*, 7(3), 2020.
17. Формирование интеллектуальной готовности старшего дошкольника к учебе в школе. // Балтийский гуманитарный журнал. – 2013. – № 3. – С. 5-7.